

ҚИШЛОҚ ҲАКИМАТИ

1988 йил 28 август

ЯҚШАНБА

№ 196 (4.392)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар кун чикади

Баҳоси 3 тийин.

ОИЛАВИЙ ЗВЕНО ПАХТАСИ

— Бугун теримга тушамиз, илдам-илдам юринлар, — деди Бобохон ана қизларига.

Гулдустон билан Гулiston бу гаудан ажабланиб, бир-бирларига қарашди.

— Нима, теримни бошлаймиз, дейсизми? — сўради Гулдустон отасидан.

Ҳа, рухсат беринди, термасан қуйидаги очилган пахта ерга тўкилади...

Шу кунги звено аъзолари ўзлари етиштирган оқ олтинни йиғиштириб олишга киришдилар. Пудрат асосида иш юритган оилавий звено бу йил 24 гектар майдонда гўза ўстирди. Ёзда, экин парваршишни агротехника қондалари асосида ўтказишда илгор усул қўл келди. Коллектив шпни уюшқоқлик билан бажарди. Натيجида пайкалларда мўлжалдаги ҳосил тўпланди.

Оилавий звенонинг ҳар бир аъзоси дастлабки кун 40—50 килограмдан оқ олтин терди. Мана, уч кундирки, мавсум мусобақаси авжирди. Пудратчилар жорий йилда ҳар гектар ердан намида 35

центнердан хирмон кўтаришни мўлжаллашмоқда.

Бобохон Сарбобоев оилавий звеносига ўхшаш коллективлар Термиз районидagi «Гулбаҳор» совхозида кўпчилигини ташкил этади. Улар ҳўжалиқдаги пахта майдонларининг ярмидан зиёдада меҳнат қилмоқдалар. Айни пайтда бошқа звенолар ҳам қўл теримини қизғин бошлаб юбордилар.

Совхозда ҳосилнинг асосий қисмини зангори кемалар ёрдамида саранжомлаш қўзланган. Бунга пахта эрдуду кўрилади. Ингирма олтига терим машинаси, бошқа механизмлар ишга тахт турибди. Ҳўжалиқда гўза дефолиациясини ҳар йилгидан бир ҳафта баравар ўтказиш қўлада тутиляпти. Демак, агрегатлар ҳам оладатгидан эрта далаларга олиб чиқилди. Ҳозирча эса чеварлар басма-баси авж олдирилмоқда.

Э. ИСМОИЛОВ. СУРАТДА: илгор оилавий звено аъзолари Гулдустон ва Гулiston Сарбобоева.

И. ХўЖАЕВ фотоси. (ЎзТАГ).



ИЛҒОР УСУЛ ШАРОФАТИ

Риштон районидagi Навоий номли совхознинг Нуъмон ҲАКИМОВ бошлиқ бригадаси иш тажрибасидан

Риштон районидagi Навоий номли совхозда пудрат дастлаб 1980 йилда қўлланилган. Бироқ ҳадеганда қўланган самарага эришилмади. Илганиш, илгорлар тажрибасини ўрганиш натижасида меҳнатни ташкил этишнинг бу усули ўз ўрнини топа борди. Бултур пахтачиликда, озука, сабазот ва полив маҳсулотлари етиштиришда кенг жорий этилди.

«Найрағоч» бўлимига қарашли Нуъмон Ҳақимов бошлиқ бригада пахтакорлари айниқса унинг афзалликларини яққол намойиш этидилар. Бу коллектив совхоз дирекцияси билан ўзаро шартнома тузган ҳолда 68 гектар майдонда гўза ўстирди. План бўйича гектаридан 33 центнердан ҳосил олиш, жами 225 тонна пахта етказиб бериш белгиланган. Ҳақиқатда ҳосилдорлик гектар ҳисобига 37,5 центнерни ташкил этиб, давлатга 255,3 тонна хом ашё топширилди. Еки бошқача айтганда мўлжалдиган 23.633 сўмлик кўп, жами 173.483 сўмлик маҳсулот етиштирилди. 53 минг сўм фойда олинди, рентабеллик 44 процентга тўғри келди.

Кўриниб турибдики, пудратни қўлланиб, юқори кўрсаткичга эришилди. Қуйида коллектив қўлга киритган ютуқнинг омиллари ҳақида сўз боради.

Н. ҲАКИМОВ, бригада бошлиқи: — Пудрат коллективнинг ҳамжиҳатлигини оширди, ерга эгасизлик барҳам топди. Марказий Фарғона даштида деҳқончилик қилаётган бизнинг бригада учун энг муҳими шу. Бундан ташқари ишчиларда ишга муносабат ўзгарди, бир-бирининг хатти-ҳаракатини назорат қилиш пайдо бўлди. Демак, одамларнинг нафақат ерга, балки бир-бирига муносабати ҳам ўзгарди.

Маълумки, пудратнинг шудий манфаатдорлиги пировард натижага боғлиқ. Бу ижодкорликни юзага келтирди. Материал ва моддий ресурслардан тежаб-теграб фойдаланиладиган, даромадни кўпайтирадиган, рентабеллигини оширадиган чоратadbирлар ишга солинадиган бўлди.

А. ҒАҒУРОВ, бригада кенгашининг аъзоси, сўзчи: — Пудратчи бригадига турли ташкилий масалаларни, меҳнатга ва экономикага оид муаммоларни ҳал қилишда мустакиллик берилган. Бу борада бригада кен-

гашлари натта роль ўйнайди. Уларга тажрибали сувчилар, моҳир механизаторлар аъзо этиб сайланган. Унинг асосий вазифаси меҳнатни оқилона ташкил этишдир. Ишчиларга ҳақ белгилаш, илгорларни рағбатлантириш, яқин орада қилинадиган юмушларни аниқлаб олиш бригада кенгашининг зиммасида. У бригадирнинг раҳбарлик ролининг инкор этмайди, балки унга ёрдамлашади. Бултур чегит экинчилар ҳосилини йиғиб-териб олишгача бўлган жамини ишчилар бригада кенгаши натта роль ўйнади. Ўтган йилги тажрибаси эндилик да қўл келмоқда.

А. МИРЗААБДУЛЛАЕВ, совхоз бош экономисти: — Пудрат чиндан ҳам кишиларни тежамкорликка ўргатди. Н. Ҳақимов бригадасида қўлланмадан шунга эътибор берилди. Масалан, ерни текислашда нормативдаги 793 киши-соат ўрнига 600 киши-соат сарфланиб, уруғ қадал гунагача иш ҳақи фондидан 1.347 сўм иқтисод қилинди. Гўза парваршида 4.206 сўм терим пайтида 4.108 сўм тежалди.

Йил давомида бригада тракторчисига 140, сувчига 120, ишчиларга 80 сўмдан аванс берилган. Пировард натижага кўра етиштирилган яқин маҳсулот учун уларга 45.904 сўм ҳақ тўланиши маълум бўлди. Шунинг учун йил якунида яна 16.533 сўм қўшмача тўланди. Бу бригада кенгашининг қарори билан ҳар ишчининг меҳнатда қатнашиш коэффициентига ва йил мобайнида олган иш ҳақига қараб тақсимланди. Шунингдек, бригада тежамкорликдан 1.785 сўм, рағбатлантириш низомига кўра 4.702 сўм мунофот олди. Хуллас, ҳар ишчининг йиллик даромади ўртача 1.440 сўмни ташкил этиди.

Пудратчи бригада билан ёнма-ён меҳнат қилган 4-бригада аъзолари планини бажаришмади. Гектаридан 32 центнер ўрнига 25 центнердан ҳосил олинди. Қўшн коллективларнинг иш якуни илгор усулининг афзаллигини яққолроқ намойиш этиди.

Совхозда бу йил пудратчи бригадалар сафи янада кенгайди. Шу кеча-кундузда дала ишлари уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Винобар, меҳнат ютуқлари кўпайишига шубҳа йўқ.

С. САЙФИДИНОВ.

Жамоатчи муҳбиримиз Н. Темиров хабар қилади: Сурхон воҳаси меҳнаткашларининг шашти баланд Улар деҳқончилик учун йил кўлай келганлигини, гўза парварши қўйилмайдиган бора-ётганлигини қувониб таъриришмоқда. Дарҳақиқат, область ҳўжалиқлари далаларда бўлган киши мўл ҳосил етиштириладиганлигига ишонч ҳосил қилди. Шу билан бирга тобора яқинлашадиган оқ олтин мавсумига пухта ҳозирлик қўриляпти.

Олтинсой райони пахтакорлари ҳам йиғим-теримга ҳар томонлама шайланма-

МАВСУМ ЖИДДИЙ, ТАЙЁРГАРЛИК ПУХТА

моқда. Жумладан, Нарл Маркс номли колхоз механизаторларининг ишлари таҳсинга лойиқ. Улар мавжуд 26 та терим агрегатини созилаб қўйишга яна ача бўлди. Ҳозир техника сўнгги бор кўздан кечириб чиқи-

Шунингдек, ҳўжалиқда муҳим тадбир — гўза дефолиациясига тайёргарлик ҳам қизғин. Дефолиантлар етарлиқ келтирилди, махсус хандақлар тайёрлаб қўйилди. 8 та ОВХ-28 ашпартни, кўсак чувиш ва кўран узиш механизаторлари тайёр. Ма-

сумда ишлатиладиган 76 та телетка ҳам эътибордан четда қолгани йўқ.

Райондаги бошқа ҳўжалиқларда ҳам йиғим-теримга ҳозирлик аниқда. Хирмон-жойларга асфальт ётқизил-

Олтинсойлик пахтакорлар бу йил давлат оморига пландаги 17.050 тонна ўрнига 18 минг тонна хом ашё етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Механизаторлар мавжуд 97 та зангори кемаинг ҳар бири билан намида 100 тонна оқ олтини саранжомлашни мўлжаллашмоқда.

ЗАНГОРИ КЕМАЛАР КЎРИГИ

Сентябрнинг охири — октябрь бошида Ўрта Осиё кишлоқ ҳўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институтининг тажриба ҳўжалиқи далаларида янги пахта терим техникаси комиссия синовидан ўтказилди.

Ингирма турга яқин пахта терим аппаратларини текшириш мўлжалламоқда. Жумладан, икки ва тўрт қаторлик тик шпинделлик машиналарнинг олти нуқсаси, ўсимликка кўп маротаба ишлов бевуви ҳақида аниқ аппаратлар, шунингдек, иختирочиларнинг тақлифларидан фойдаланган ҳолда теримнинг янги принциплари асосида топилган ечимлар, хом ашёни тозалаш ва ердан териб олишга мўлжалланган турли мосламалар синовдан ўтказилди.

Бу кўриқда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Ўрта Осиё кишлоқ ҳўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институти, пахтачилик машиналари бўйича давлат

махсус конструкторлик бюроси, «Ташсельмаш», Тошкент ирригация ва кишлоқ ҳўжалигини механизациялаш инженерлари институти, Тошкент политехника институти ҳамда Тармоқларо илмий-техника марказига бирлашган иختирочилар ишторк етказилар. Бошқа ҳар қандай ташиқлот, шунингдек, шахс ёки группа ҳам ўз техникасини комиссия текширувига тақдим этиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун Ўрта Осиё кишлоқ ҳўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институти (Янгийўл шаҳри, Гулбаҳор-1 почта бўлими) ёки пахтачилик машиналари бўйича давлат махсус конструкторлик бюросига (700000, ГСП, Тошкент, Жуковский кўчаси, 52) буюртмаларни аввалдан бериш лозим.

Янги авлод зангори кемаларидан қай бири самарали бўлиб, пахтани тез ва тоза таради? Пахтакорлар шудий машинаси ориниқ кутмоқдалар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси академиги, Тармоқларо илмий-техника марказининг илмий раҳбари А. Д. Глузченко бошчилигидаги мутахассислар пахта терим техникасининг барча талабларига жавоб берадиган истиқболли йўналишлар аниқлаб олинди, ҳозирдаёқ олди машиналар пайдо бўлди, уларга қараб тадқиқот ва конструкторлик ишлари кучайтириб юборилди, деб қатъий ишонтирмоқдалар.

ОДИМ ТАШЛА, СПАРТАКИДА!

ҚИШЛОҚ СТАДИОНИДАГИ АЖОЙИБ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон кишлоқ хотин-қизлари шпарткиада қизларнинг тарбия қилиниши бўлди. Спартакда бутун йил мобайнида республикамиз кишлоқларида одимлаб, катта стадионларда ҳам, дала шпарткиада, фермалар, устаконалар яқинидаги спорт майдончаларида ҳам давом этиди. Шу тариқа сикат-саломатлик ва бирдамлик манбаидан баҳраманд бўлаётган кишлоқдаги меҳнаткаш хотин-қизларнинг сафи тобора кенгайиб борди. Оммавийлик — спарткиаданнинг биринчи реориди бўлди — финал турнирларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун бир юз қирқ мингдан кўпроқ физкультурачи қиз мусобақалашди.

Нижоят якуловчи босқич ҳам бошланди. Ушбу босқичга колхоз ва совхозлардан онг кучли физкультура коллективларининг вакиллари йиғилдилар, бу ҳўжалиқлардаги хотин-қизларнинг спортга илхоси партия, совет, касабга союз, комсомол ташиқлотларининг кундалик амхўрлиги, агросноат комплекси органлари, ҳўжалик раҳбарларининг эътибори билан мустаҳкамланмоқда ва ривожлантирилмоқда.

Бу ташаббуста республикадан ташқаридаги қардошларимиз ҳам ниҳоятда қизиқиб қолдилар. Фарғона яқинидаги Ҳамроқул Турсунку-

Грузия, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, Туркменистон делегацияларини қизгин кутиб олдилар. Мусобақалар майдони қардош халқлар дўстлиги майдонига ҳам айланди. Марказий флашотокда СССР давлат байроғи, унинг ёнида Ўзбекистон ССР давлат байроғи қилинлар турбди. Ўзбекистон касабга союзлари кўнгилли физкультура ва спорт жамияти эмблемаси туширилган байроқ ҳам тикилган.

Миллион-миллионлаб кишлоқ физкультурачи қизларнинг вакиллари бўлган парад қатнашчиларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмухамедов, Ўзбекистон касабга союзлари республика советининг раиси, республика хотин-қизлар кенгаши президиумининг раиси Х. А. Алимова, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. У. Умаров, касабга союзлари кўнгилли физкультура-спорт жамияти Бутуниттифоқ кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, олимпиада чемпиони Л. П. Полозова (Скобляков) қизгин кутдилар.

Кўрувчилар спортчиларга колхозда кунчи кеча куриб битмазилган комплекснинг рамзий калитини тоширишганда, стадионга тўланганлар бунга қарсақлар билан олдилдилар. Бу ерда енгил атлетика иншоотлари, элик метрлик сузиш бассейни, йиғим майдонлари бун-

ёд этилган. Бу иншоотларнинг ҳаммаси илхос билан лойиҳалаштирилиб, ҳафсала билан қурилган.

Байрам программаси ранго-ранг ва кўркам эди. Бадиий ҳаваскорлик қатнашчилари санъат ва спорт воситасида стадионнинг марказий майдонига шарқ хотин-қизларининг асрий жабр азулдан овоз бўлиши босқичларини тасвирловчи томанлар кўрсатдилар. Жанжики болалар ўз оналари ва оналарига «спорт рапорти» топширадлар. Профессонал ва ҳаваскор коллективлар спарткиада қатнашчилари ҳамда томошбинларга қўшиқ, рақс ва пантомималар тўхфа этидилар. Чим устида хоккей, бадиий гимнастика, қиличбозлик, дзюдо кураши усталари бўлган қизларнинг намунали чўқишлари байрамга алоҳида тароват бахш этиди.

Байрам якунида салют берилди. «Қўлни қўлга берилди, дўстлар!» қўшиғи янграётганда, мушакбозлик бўлди.

Энди спортнинг етти тури — волейбол, велосипед пойгаси, ГТО кўп кураши, стол тенниси, шашка, шахмат, ҳаваскорлик туризми бўйича мусобақалар бўлади. Бундан ташқари яна бир мусобақа — сўт соғувчилар конкурси ҳам ўтказилди.

Спарткиада байрами, спарткиада кўриғи давом этмоқда. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

25 август кунини Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг мажлисида республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг бир қанча масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ Қ. Ҳ. Маҳаммадалиевнинг маҳаллий бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш юзасидан тармоқни ривожлантиришнинг 1988—2000 йилларга мўлжалланган комплекс программасида кўзда тутилган топшириқлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ахборот тингилди. Кейинги йилларда бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш ва буюмлари ишлаб чиқариш кўпайтирилганлигига қарамай, республика халқ ҳўжалигининг уларга бўлган эҳтиёжи қондирилмапти, дегвориб материаллар ва майдонлар тош, шағал, го-вакли тўлдурувчилар, оҳак гипс ва бошқа хил маҳсулотлар тақчиллиги ву-жудга келди. Бухоро, Жиззах, Қашқадарь, Самарқанд ва Сурхондарь область ижроня комитетлари маҳаллий бинокорлик материаллари мавжуд жойларни ўзлаштириш учун тасвирчан чоралар кўрмаяптилар.

Пудратчи ташиқлотлар қонидарси ишлаётганлиги ва буюртмачилар технология ускуналарини ўз вақтида комплектамаётганлиги а р и сабабли қувватлар ўзлаштирилмапти ва уларни ишга тушириш мууддатлари барбод этилмоқда. «Стромпроект» илмий-тадқиқот институти, «Узгипроводхоз», «Средазгипроцелинстрой», «Узводпромпроект» лойиҳа институтлари лойиҳа-смета ҳўжатларини ўз вақтида топшириш юзасидан зарур чоралар кўрмаяптилар ва натижада дегвориб материаллар ишлаб чиқарадиган объектларнинг 30 процентдан кўпроғи лойиҳа-смета ҳўжатлари билан таъминланмаган, қурилиш индустриясининг 14 та объектининг эса лойиҳалашга киришмаганлар. Юқорида айтиб ўтилган камчиликлар ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришдаги бошқа камчиликлар тасдиқланган беш йиллик топшириқларини бажаришга ва республика уй-йил программасининг энг муҳим вазифаларини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Президиум республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари Г. Г. Исаев, А. Г. Мананников, К. С. Сапаев, Т. Б. Боймиров, Б. С. Ҳамидов, А. И. Лелеко, Н. А. Аббосхонов ўртоқларнинг комплекс программада белгиланган планларни бажаришда интeзомсизликни қилаётганликларини кўрсатиб ўтди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ Қ. Ҳ. Маҳаммадалиевнинг эътибори программа рўёбга чиқарилиши учун ишларни ташкил этишда етарли контрол йўқлигига қаратади.

Ўзбекистон ССР Қурилиш давлат комитетида, Ўзбекистон ССР Сув ҳўжалиғи давлат комитетида, Ўзбекистон ССР Агросноат давлат комитетида, халқ депутатлари Советларининг ижроня комитетларига, лойиҳалаш маҳаллий бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналарни лойиҳалаш ва қуриш ишида йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини қоплаш ва топшириқлар бажарилишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриш тақлиф этилди. Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон ССР Госпланига, Ўзбекистон ССР Молия министрлигига ва халқ депутатлари Советлари ижроня комитетларига бир қанча топшириқлар берилди.

Мажлисда шунингдек, Ўзбекистон ССР министрликлари ва идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроня комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроня комитетининг давлат статистика ҳисоботида қўзғабумачилик ва қўшиб ёшиш фактларига қарши ку-

рашни кучайтиришга оид ташиқлотчилик ишларининг ахволи кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитетининг раисининг бир қанча масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ўртоқ М. К. Содиков мазкур масала юзасидан ахборот берди. Масалани муҳокама қилиш чоғида совет ва ҳўжалик органлари йилнинг ўтган даврида ҳисобот маълумотларининг аниқлиги учун контролни кучайтириш, қўшиб ёшишлар, буниб кўрсатишлар ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан комплекс тадбирларни амалга оширғанликлари айтиб ўтилди. Аниқланган фактлар юзасидан коллектив органларнинг конкрет чораларни қабул қилишмоқда. айбдорлар маъмурий ва ҳуқуқий жавобгарликка тортилмоқда. Шу давр ичнда 386 кишига, жумладан 206 мансабдор шахсга турли жаза чоралари қўрилди. Қашқадарь, Наманган, Фарғона областларида ва Тошкент шаҳрида қўшиб ёшишлар бирмунча камайди.

Аммо давлат статистика ҳисоботида буниб кўрсатишлар аниқланган объектлар салмоғи, айниқса кишлоқ ҳўжалиғи, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳали анчагина. Область ижроня комитетлари, министрликлар ва идораларининг айрим раҳбарлари республика ҳукуматининг қуриб бина қилинган объектларни фойдаланишга сифатли қабул қилиб олиш йўлида йўл-йўриқлардан зарур хулосалар чиқариб олишмади. Фақат биринчи ярим йилдагина жами саҳни 6540 квадрат метр бўлган уй-йил статистика ҳисоботидан чиқариб ташланди. Жумладан бундай уйлар Андижон (бош пудратчи — «Узагропромстрой», Мелиорация ва сув ҳўжалиғи министрлиги), Ўзбекистон ССР Сув ҳўжалиғи қурилиш давлат комитети), Бухоро (Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги) ва Сурхондарь («Узагропромстрой», Мелиорация ва сув ҳўжалиғи министрлиги, Ўзбекистон ССР Сув ҳўжалиғи қурилиш давлат комитети) областларида ҳам бор.

Президиум Сурхондарь область ижроня комитети раисининг ўринбосари ўртоқ М. П. Холбоев ва Андижон область ижроня комитети раисининг ўринбосари ўртоқ В. Г. Бабеновларнинг диққат-эътиборини ҳисоботларга қўшиб ёшиш ва улардаги қурулурларга чек қўйиш устидан зарур назоратни таъминлаш мақсадларига, Уларига қарашли ташиқлотлар раҳбарларига етарлича талабчанлик қилаётганликларига қаратади. Андижон, Бухоро ва Сурхондарь областлари ижроня комитетларининг раҳбариятга чала қурилган ва иш сифати паст бўлган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш масалаларида принципсизлик ва расмий ёндашувга йўл қўйганликлари учун халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроня комитетлари раҳбарларининг жавобгарлиги даражасини кўриб чиқиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитетида (ўртоқ М. Қ. Содиков) аниқланган фактларни қайд этиш билангина чекланиб қолмай, министрликлар ва идоралар маҳаллий Советларнинг ижроня комитетлари билан биргиланда ҳисоботларда қурулур бўлиши олдини олиш учун профилактика ишнни изчиллик ва аниқ мақсадли қўзлаб олиб бориш, бу борада оператив тадбирлар кўриш, жоғларда статистика ишнни яхшилаш масалаларига кўпроқ эътибор бериш тақлиф этилди.

Мажлисда 1988 — 1990 йилларда халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан тадбирлар тасдиқланди, аҳоли соғлигини сақлашни янада яхшилаш ва республика соғлигини сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг тадбирлари муҳокама қилинди, бошқа бир қанча масалалар кўриб чиқилиб, тегили қарорлар қабул қилинди.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

ЯНГИЧА ТАЛАБЛАР АСОСИДА


«Интернационал» совхозининг 3-агроучасткиси деҳқонлари 1.250 гектар майдонда ноз-неъмат еттиштиришоти...

та сабзавотчилик бригадасининг иккинчиси белгиланган марра эгаликда...

суб чиқарилади. Лекин унинг қадрига етилмапти. Ҳар қатраси олтинга тенг обиди...



Урта Чирчиқ районидagi «Северний маяк» колхозига лубкорлар эрта баҳордан бери фидокорона меҳнат қилиб...



Учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Узаро меҳнат беллашувда механизатор Абдураим Бойжоно...

Илғор тажриба масканларини маълум қиламиз

БАРЧА БИР ТАН БЎЛГАНДА

ЧОРВАНИ МЎЛ ВА ТЎЙИМЛИ ОЗУҚА БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МУМКИН

Биз Самарқанд районидagi «Партия XXV съезди совхоз-заводининг сутчилик фермаси...

завод чорвадорлари давлатга гўшт, сут топиштириш етти ойлик планини удалади...

Чорвани мўл ва тўйимли озуқа билан таъминлаш мумкин. Бу масалада давлатга гўшт, сут топиштириш етти ойлик планини удалади...

Бўлимда ерга, бугдой, дон ва силос учун маккажўрчи, йўнгица ҳамда лаваги етиштирилди...

Ҳақиқатан удалаш учун сафарбарлик тобора авжига чиқмоқда. Бу курашда пудрат усулида иш юритилган...

ҲАММАСИ — МАСЪУЛИЯТСИЗЛИКДАН

Агрономия бўлими партия группаси ташкилотчиси М. Орипов Узининг ҳисобот доқладиди...

Адолат юзасидан шуни таъкидлаш керакки, совхозда қанчалик ҳамма ҳаммаси масъулиятсизликдан...

қабилда иш тутиш жуда соғина. Нима ҳам дердик. РАПОда ҳам, бошқа ташкилотчида ҳам катта-катта камчиликлар тўлиб-тошиб...

Ҳақ гап. Энди масалани янада ойдинлаштириш учун раёонда мурожаат қиламиз. Бурунги йиллар ҳўжалик ҳар бир сизгидан уч минг килограмдан сут соғиб олиш...

Биз бўлим бошқарувчиси Эгамберди Худойбердиев ҳўзурга кирганимизда у совхоз ишчи-хизматчиларига тарқатилган хашак ҳўжаларининг ҳисоб-китоби қилаётган экан...

Бўлимда 97 гектар майдонда силос учун 40 гектардан дон учун маккажўрчи ўстирилмоқда. Силос учун ўрилатган майдонлардан 400 центнердан юқори сифатли кўпоя чиқартириш...

Ҳўжаликда чорва озўқаси сифатини оширишда иборат ола сарзўғули яна бир муҳим тадбир бор. Бу ерда қатор йиллар давомида дони олинган маккажўрчи курук посяни ферментлаш усули билан силос бостиришди...

Ферма атрофида алашлалб экиннинг юқоридagi усулда экин майдонларидан фойдаланиш коэффициентини 200 процентдан ошди. Хуллас; бу янги, илғор усул суғуривладиган ерларда яшил конвейер вазирасини ўтайди...

ТУБ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ ТУФАЙЛИ

ЧЎПОНЛАРНИНГ КОСАСИ ОҚАРДИ

Мажорий йил бошида Форш районидagi «Чимўрғон» совхозлараро бўрдоқчилик пункти республикамиздаги 13 та шу хилдаги коллективлар ичра галиб топилган эди...

Бўрдоқчилик пункти директорига учрашганимизда мутахассислар чўпон-чўнлар билан сўхбатлашди. Уларнинг ҳаммасидан бир хил фикр эшитдик...

Юлғичлик, оз бўлса-да, барини ўғирлик. Бир кунда 50 киши 10 килограмдан омихта ем ёки шелуха ташиб кетса, биласизми...

Ҳа, эндиликда тежамкорлик ҳаммаини широгга айланди. Чўпонлар маҳсулот етиштириш учун қанча кам сарф-харажат кетса...

Ушундан 81 минг сўм итисод қилинди. Ҳа, эндиликда тежамкорлик ҳаммаини широгга айланди. Чўпонлар маҳсулот етиштириш учун қанча кам сарф-харажат кетса...

Ҳа, эндиликда тежамкорлик ҳаммаини широгга айланди. Чўпонлар маҳсулот етиштириш учун қанча кам сарф-харажат кетса...

Ҳа, эндиликда тежамкорлик ҳаммаини широгга айланди. Чўпонлар маҳсулот етиштириш учун қанча кам сарф-харажат кетса...

Ҳа, эндиликда тежамкорлик ҳаммаини широгга айланди. Чўпонлар маҳсулот етиштириш учун қанча кам сарф-харажат кетса...

